

## V. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИ <sup>1)</sup>

**Фойда.** Ҳисобот маълумотларига кўра, 2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида иқтисодиёт тармоқларида корхона ва ташкилотлар томонидан 5970,5 млрд. сўм миқдорда якуний молиявий натижа олинди.

2018 йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойда ҳажми 1736,2 млрд. сўм ёки 141,0 % га ошган.

### 2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича якуний молиявий натижалари

	<i>Фойда, зарар (-), млрд.сўм</i>	<i>2018 йилнинг январь-ноябрга нисбатан % да</i>
<b>Жами</b>	<b>5970,5</b>	<b>141,0</b>
Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш	2,8	-6,1 м.к
Ишлаб чиқарадиган саноат	6034,3	157,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	-320,6	-
Қурилиш	6,2	142,4
Савдо	219,0	61,0
Ташиш ва сақлаш	-9,3	-
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1,8	21,2
Ахборот ва алоқа	0,09	151,9
Кўчмас мулк билан операциялар	27,1	160,5
Профессионал, илмий ва техник фаолият	26,7	113,7
Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш	0,4	38,3
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	3,2	96,1
Бошқалар	-21,2	-

Ижобий молиявий натижа (фойда) нинг асосий қисми ишлаб чиқарадиган саноат корхоналарига - 6034,3 млрд. сўмга, савдо корхоналарига - 219,0 млрд. сўмга, Кўчмас мулк билан операциялар - 27,1 млрд. сўмга тўғри келадиган бўлса.

<sup>1)</sup> Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан солиштирганимизда, фойданинг асосий ўсиши «Олмалиқ КМК» АЖ (2286,5 млрд. сўм), «Ўзкимёсаноат» АЖ (55,1 млрд. сўм), Ўзбекизоқовқатхолдинг (43,8 млрд. сўм), Ўздонмахсулот АК (32,9 млрд. сўм) таркибига кирувчи корхоналарга тўғри келди.

Фойданинг пасайиши «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси 113,9 млрд. сўмга, Ўзавтосаноат АЖ - 11,3 млрд. сўмга, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ - 41,7 млрд. сўмга, Ўзбекизоқовқатхолдинг ХК - 4,1 млрд. сўмга юқоридаги вазирлик ва корхоналар таркибига кирувчи корхоналарда кузатилган.

**2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида ҳудудлар кесимида  
яқуний молиявий натижалари**

	<b>Фойда, зарар (-), млрд.сўм</b>	<b>2018 йилнинг январь-ноябрга нисбатан %да</b>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>5970,5</b>	<b>141,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>		
Нурафшон	22,5	43,3
Олмалиқ	4867,2	187,0
Ангрен	-352,6	-
Бекобод	342,6	68,2
Оҳангарон	246,4	104,3
Чирчиқ	254,6	146,0
Янгийўл	32,4	129,4
<i>туманлар:</i>		
Оққўрғон	5,6	25,1
Оҳангарон	28,3	138,8
Бекобод	4,9	145,4
Бўстонлик	27,1	42,8
Бўка	2,6	99,1
Зангиота	137,2	81,1
Қибрай	95,6	63,8
Қуйичирчиқ	16,3	37,9
Паркент	4,3	185,6
Пискент	0,2	49,5
Ўртачирчиқ	50,2	104,7
Чиноз	25,8	59,0
Юқоричирчиқ	24,8	169,5
Янгийўл	35,8	48,3
Тошкент	98,7	91,9


Ҳудудлар кесимида фойданинг асосий қисми Олмалиқ шаҳар 4870,8 млрд. сўм (жами фойданинг 75,9 %), Бекобод шаҳар 342,7 млрд. сўм (5,3 %),

Чирчиқ шаҳар 274,0 млрд. сўм(4,3 %), ва Оҳангарон шаҳар 247,8 млрд. сўм (3,9 %) га тўғри келади.

**Зарарлар.** 2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида 30 та корхона ва ташкилотлар 447,9 млрд. сўм зарар билан фаолиятини якунлади.

Зарарнинг асосий қисми "Иссиклик электр станциялари" АЖ -293,2 млрд. сўм (65,5 %), Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги - 53,6 млрд. сўм (11,9 %), «Тошшаҳартрансхизмат» ХК - 4,9 млрд. сўм (1,1 %) га юқоридаги вазирлик ва корхоналар таркибига кирувчи корхоналар ҳиссасига тўғри келди.


**2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида зарар кўрган корхона  
ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**  
(жамига нисбатан %да)



**2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

	Корхоналар сони	Зарар суммаси	
		млн.сўм	жамига нисбатан %да
<b>Жами</b>	<b>30</b>	<b>447948,0</b>	<b>100</b>
Ишлаб чиқарадиган sanoat	7	34663,0	7,7
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	6	350364,7	78,2
Улгуржи ва чакана савдо, моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш	10	24111,7	5,4
ташиш ва сақлаш	3	9933,1	2,2
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	3	1572,1	0,4
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	1	27303,4	6,1

**2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**  
(жамига нисбатан % да)



Зарарнинг асосий қисми электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш - 350,4 млрд. сўм (78,2 %) соҳасида юзага келган.

**2019 йилнинг январь-ноябрь ойларида ҳудудлар кесимида зарар кўрган корхона ва ташкилотларнинг молиявий натижалари**

	<i>Корхоналар сони</i>	<i>Зарар кўрган корхоналарнинг улуши, % да</i>	<i>Зарар суммаси, млн.сўм</i>
<b>Вилоят бўйича:</b>	<b>30</b>	<b>100,0</b>	<b>447948,0</b>
<i>шаҳарлар:</i>			
Нурафшон	1	3,3	2201,3
Олмалиқ	1	3,3	3559,7
Ангрен	8	27,0	364720,7
Бекобод	1	3,3	56,3
Оҳангарон	1	3,3	1376,1
Чирчиқ	5	16,7	19372,7
Янгийўл	1	3,3	341,7
<i>туманлар:</i>			
Оҳангарон	1	3,3	50,1
Бўстонлиқ	3	10,0	27694,0
Зангиота	1	3,3	9703,2
Юқоричирчиқ	3	10,0	8218,8
Қибрай	1	3,3	10550,7
Ўртачирчиқ	1	3,3	7,4
Янгийўл	1	3,3	93,5
Тошкент	1	3,3	1,8

**Корхона ва ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорлиги ҳолати<sup>1)</sup>**

2019 йил 1 декабрь ҳолатига дебитор қарздорликнинг умумий ҳажми 7812,9 млрд. сўмни ташкил қилди, шундан муддати ўтган - 234,8 млрд. сўм ёки жами қарздорликнинг 3,0 % ташкил этди.

Муддати ўтган дебитор қарздорлик 2018 йилнинг 1 декабрига нисбатан солиштирганимизда 209,0 % ни ташкил қилади, жами дебитор қарздорлик ўтган йилга нисбатан 136,7 % ташкил қилди.

<sup>1)</sup> Бюджет ва бошқа нотижорат ташкилотлар, маҳсулот ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, суғурта ташкилотлари, банклар, кичик корхоналар ва микрофирмаларсиз.

Худудлар бўйича кўрилганда дебитор қарздорлиги юқори Нурафшон шаҳар 2410,3 млрд. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 30,9 %), Бекобод шаҳар 1148,5 млрд. сўм (14,7 %), Олмалик шаҳар 852,6 млрд. сўм (10,9 %), ва Чирчиқ шаҳар 472,5 млрд. сўм (6,0 %) га тўғри келди. Бунга қарама-қарши дебитор қарздорлик Бўка тумани 2,0 млрд. сўм (вилоят бўйича жами дебитор қарздорликнинг 0,03 %), Пискент тумани 2,6 млрд. сўм (0,03 %) ва Қўйичирчиқ тумани 4,6 млрд. сўм (0,1 %) да пастлигини кўриш мумкин.

**2019 йил 1 декабрь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорликнинг таркиби**

	<i>Жами, млрд. сўм</i>	<i>ундан:</i>			<i>Муддати ўтган қарздор- ликнинг улуши, %да</i>
		<i>харидор ва бюджет- мачилар</i>	<i>етказиб берувчи- ларга ва пудратчи- ларга берилган аванслар</i>	<i>ички идора- вий</i>	
<b>Жами</b>	<b>234,8</b>	<b>190,1</b>	<b>3,3</b>	<b>25,1</b>	<b>100</b>
Ишлаб чиқарадиган саноат	128,0	107,3	3,1	1,7	54,5
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	20,9	20,9	-	-	8,9
Қурилиш	8,7	8,3	0,003	0,4	3,7
Кўчмас мулк билан операциялар	1,7	0,1	0,1	1,5	0,7
Бошқалар	75,5	53,5	0,1	21,5	32,2

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг 2019 йил 1 декабрь ҳолатига жами дебитор қарздорлиги 4390,2 млрд. сўм ёки вилоят бўйича жами қарздорликнинг 56,2 % ини ташкил қилди.

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг энг кўп дебитор қарздорлиги «Ўзтрансгаз» АЖ корхоналари - 2008,2 млрд. сўм (45,7 %), «Олмалик КМК» АЖ - 803,7 млрд. сўм (18,3 %), Ўзбекнефтгаз АЖ - 495,3 млрд. сўм. (11,3 %), "Худудий электр тармоқлари" АЖ - 374,7 млрд. сўм (8,5 %).

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг энг кўп дебитор қарздорликдаги ўсиши, «Ўзкимёсаноат» АЖ - 138,6 % (48,2 млрд. сўм), "Ўздонмахсулот" АК 147,1 % (25,4 млрд. сўм) кузатилди.

Дебитор қарздорлик Ўзбекнефтгаз АЖ - 43,5 % га (644,4 млрд. сўм), "Худудий электр тармоқлари" АЖ - 70,2 % га (158,9 млрд. сўм) камайган.

Иқтисодиёт тармоқлари ва худудларда муддати ўтган қарздорликни тугатиш бўйича етарлича тизимли ишлар ташкиллаштирилмаганлиги натижасида, муддати ўтган дебитор қарздорликнинг юқори суръатда ўсиши сақланиб қолинмоқда.


2019 йил 1 декабрь ҳолатига кредитор қарздорликнинг умумий ҳажми 8091,5 млрд. сўм, ундан муддати ўтган - 219,6 млрд. сўм ёки жами кредитор қарздорликнинг 2,7 % ни ташкил этди.

Муддати ўтган кредитор қарздорлик 2018 йилнинг 1 декабрига нисбатан солиштирганимизда 2,3 м ни ташкил қилади, жами кредитор қарздорлик ўтган йилга нисбатан 117,3 % ни ташкил қилди.

Мониторинг қилинадиган хўжалик бирлашмаларининг 2019 йил 1 декабрь ҳолатига жами кредитор қарздорлиги 3988,7 млрд. сўм ёки вилоят бўйича жами қарздорликнинг 49,3 % ни ташкил қилади, шу жумладан муддати ўтган - 56,9 млрд. сўм ёки мос равишда 25,9 %.

Муддати ўтган кредитор қарздорлик ҳажми 126,5 млрд сўмга кўпайди, шу жумладан «Ўзкимёсаноат» АЖ - 46,9 млрд сўмга кўпайиб, вилоят бўйича жами муддати ўтган кредитор қарздорликнинг 25,4 % ташкил этади.

**2019 йил 1 декабрь ҳолатига вазирлик ва идораларнинг дебитор қарздорлиги**  
(жамига нисбатан % да)



**2019 йил 1 декабрь ҳолатига иқтисодий фаолият турлари бўйича муддати ўтган кредитор қарздорликнинг таркиби**

	Жами, млрд. сўм	ундан:				Мудда- ти ўтган қарздорлик- нинг улуши, %да
		етказиб берувчи лар ва пудрат- чиларга	Бюд- жетга тўлов- лар	давлат мақсадли фондларига тўловлар	ички идора- вий	
<b>Жами</b>	<b>219,6</b>	<b>185,6</b>	<b>0,4</b>	<b>4,1</b>	<b>2,5</b>	<b>100</b>
Ишлаб чиқарадиган саноат	56,9	38,3	-	-	2,5	25,9
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	152,4	146,4	-	4,1	-	69,4
Ташиш ва сақлаш	5,8	0,8	0,3	-	-	2,6
бошқалар	4,5	0,1	0,1	-	-	2,1



**Хўжалик бошқарув органларида жами кредитор қарздорликнинг  
дебиторликка нисбатан ошиши**

	<i>Кредитор қарздорликнинг дебиторликдан ошиши</i>	
	<i>млрд. сўм</i>	<i>дебиторга нисбатан % да</i>
"Иссиклик электр станциялари" АЖ	1002,3	7,9 м
Ўзавтосаноат АЖ	347,7	2,2 м
Ўзкимёсаноат АЖ	375,6	2,0 м
Ўзпахтасаноат АЖ	205,8	1,7 м
Олмалиқ кон-металлургия комбинати АЖ	957,0	1,5 м

Жами кредитор қарздорликнинг дебитордан ошиши "Иссиклик электр станциялари" АЖ 1002,3 млрд. сўмга (7,9 м), Ўзавтосаноат АЖ - 347,7 млрд. сўмга (2,2 м), Ўзкимёсаноат АЖ - 375,6 млрд. сўмга (2,0 м), Ўзпахтасаноат АЖ - 205,8 млрд. сўмга (1,7 м), Олмалиқ кон-металлургия комбинати АЖ - 957,0 млрд. сўмга (1,5 м) ни ташкил қилади. Бу корхонанинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этиши мумкин.

Худудлар бўйича кўрилганда юқори кредитор қарздорлик Олмалиқ шаҳар 1168,7 млрд. сўм (14,4 %), Бекобод шаҳар 1063,4 млрд. сўм (13,1 %) ва Ангрен шаҳар 979,7 млрд. сўм (12,1 %) га тўғри келди. Бунга қарама-қарши кредитор қарздорликнинг Пискент тумани 15,8 млрд. сўм (0,2 %), Паркент тумани 20,5 млрд. сўм (0,3 %) ва Бўка туманида 21,9 млрд. сўм (0,3 %) пастлигини кўриш мумкин.